

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAHSUS  
TAYLIM VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MEHNAT VA AҲOLINI  
IJTIMOIY MUHOFAZA QILISH VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI

**225 Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хиз-  
мат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг на-  
мунавий штатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2182-1*

*(2012 йил 28 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 561-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 январдаги 6-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 2-сон, 17-модда) мувофиқ, шунингдек олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сонини мақбуллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2010 йил 15 декабрдаги 485/1, 200-КК, 107-сон қарори (рўйхат рақами 2182, 2011 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига илованинг 39-банди биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари ҳамда 40-бандидаги «550» рақами «800» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

**20 (520)-сон**

**— 105 —**

**225-модда**

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**Б. ХОДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 апрель,  
179-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 апрель,  
21-Қ/Қ-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 апрель,  
40-сон